



АНДРИЯНОВСКИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ЧТЕНИЯ

**Сборник научных трудов
республиканской
научно-практической
конференции**

asosiy yondashuvlar.....	78
Irgashova M.A., Komiljonova N.A. Tarix darslarida interfaol metodlarni qo'billash.....	80
Капалыгина И.И. О роли информационной опасности для детей в сети..	83
Кузьмич М.Г. Уровень сформированности социально-информационной компетентности преподавательей колледжа.....	86
Кунтуганова Х.Д. Образы материнства в творчестве художников Узбекистана.....	91
Курганов А.М. "Бобурнома"да қўлланилган ҳарбий истилоҳларнинг киёсий таҳлили.....	94
Лагай Е.А. Текстоцентрический поход к обучению на современном этапе.....	97
Мадьярова С.А., Мансурова А.М. Современный подход в учебно-воспитательном процессе.....	102
Мамажанов И.Г., Мухитдинов О. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни олий таълим тизимида бошқарув методологиясининг асоси сифатида.....	105
Маманазаров А.Б. Иқтисодий таълим сифатини юксалтириш.....	111
Мамаражабова З.Н. Махсус меҳнат таълим тизимга замонавий ёндашув.....	116
Махмудова М.Ф. Развитие письменной речи учащихся на уроках литературного чтения в профессиональном колледже.....	122
Медетова Р.М. Развитие толерантности как фундаментальная опора в подготовке квалифицированных педагогов.....	125
Мирзаев Т.А. К вопросу о педагогических условиях развития коммуникативной компетентности у студентов.....	128
Muratova D.M., Aslonova N.F. Tourism terms in English and Uzbek linguocultural aspects.....	132
Мусаханова Г.М. Талабаларда мустақил таълим кўнилмаларини шакллантириш зарурати.....	134
Nasimova Sh.I. Boshlang'ich sinf matematika darslarida ўқувчиларнинг мantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish.....	138
Ne'matova M. The socio-economic lifestyle of the population in Mukimi's works.....	142
Ne'matova M.U. Hozirgi zamonda falsafa fanining istiqbollar, zamonaviy insoniyatning madaniy xilma-xilligi va falsafaning integratsion vazifasi.....	147
Орифжонов Р.Н., Махмудова М.Ф. Об ошибках в русской речи студентов с нерусским языком обучения.....	150
Носирова Р.Х. Проблема инклюзивного образования в начальных классах.....	153
Пирматова М.С. Значимые компоненты современного литературного процесса в аспекте ценностно-эстетической координации....	156
Пирматов С. Вопросы проектирования в учебной деятельности студентов в процессе профессиональной подготовки в высшей образовательной	

9. Voucher – voucher. Basic services provided (hotel accommodation, meals, a certified document on the payment of transport and b.) fees.

10. Dealer – diller. Most of the time, tourist companies are engaged in buying and selling tourist companies they work on their own account and in their own name.

A shopping center specializing in renting the latest fashion clothes.

In conclusion, it can be said that tourism terminology is the first in the Uzbek language in the stage of formation, and as a result of the development of the field, its composition is new and special getting richer with units.

List of references

1. Alieva M.T. Tourism development trends in Uzbekistan // Fifteenth international Plekhanov readings, 27 April REA. – M., 2002.
2. An explanatory dictionary of the Uzbek language / Pod ed. A.Madvalieva and dr. – V 5-i t. – T.: National Encyclopedia of Uzbekistan. State Scientific Publishing House, 2006-2008. I – 679 p.; II – 671 p.; III – 687 p.; IV – 606 p.; V – 591.

ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

**Г.М.Мусаханова, ТДИУ “Инновацион таълим” кафедраси доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Бугунги кунда республикамиизда амалга оширалаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда таълим тизимига киритилаётган бир қатор ўзгаришлар ёшларимизни давр талабларига мувофиқ тарбиялаб, вояга етказиш имкониятини юзага келтирди. Мамлакатимизда илм-фан, техника ва технологиянинг тезкор ривожланиши, майший турмуш шароитининг яхшиланиши, инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир доирасининг тобора кенгайиши, ахборот-алоқа алмашувининг такомиллашуви, шунингдек, компьютер ва мураккаб техникалар хизматининг ижтимоий хаётнинг турли соҳаларида устувор ўрин тутиши кишилик муносабатларида ижобий ҳамда салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмокда. Ҳозирги кунда инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва

фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароитлари, унинг таъсирчан механизмларини яратиш, тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзлаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Фикр – инсон фаолияти, унинг ўзлиги кучи, қудрати, ўзагини ташкил қилувчи маънавий-инсоний сифатдир. Ёшларнинг эркин ва озодлиги фикрининг мустақиллиги, эркинлигидан бошланади.

Фикр эркинлиги – ҳар бир ёш авлоднинг асосий маънавий-инсоний хуқуқидир.

Таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг интерфаол методлар орқали мустақил таълим жараёнини ташкил этиш жараёнини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлаш компетенцияларига эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва компетенцияларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони асосида “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони [1] қабул қилинганлиги айни мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилганлигини эътироф этиш мумкин.

Шундай экан, замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг муносиб келажагини барпо этиш муҳим омиллардан биридир. Чунки, бугунги тезкор ривожланиш даврида жамиятмиз учун фаол фикрловчи, инновацион ғояларни яратувчи

ҳамда уларни амалиётда самарали қўлловчи малакали мутахассисларни тайёрлаш кун тартибидаги масалалардан биридир.

Маълумки, бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакатнинг юксалиши, ривожланиши ёки аксинча, инқирозга юз тутиши ўша мамлакатдаги таълим тизимининг қай даражада ривожланганлигига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Эркинлашаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар учун, аввало, шу сифатларга мос тарзда фаолият кўрсатишга қодир таълим тизими зарур. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимига Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор йуналиш деб ёндашилаётгани шубҳасиздир.

Ҳозирги кунда таълим инсон омилига сарфланувчи сармоядир, жамият эса, бундан манфаатдордир. Зеро, олий таълимнинг даражаси ва сифатининг юксалиши иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларнинг оқилона ечимларини топиб, пировард натижада мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўринини белгилайди.

Глобаллашув шароитида кучли халқаро рақобат шароитида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун аҳолининг интеллектуал салоҳиятидан тўлиқ ва унумли фойдаланишни таъминлаш зарур, чунки таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бу – билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш, олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш ва таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифга эга эканлиги билан белгиланади.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирchan механизmlарини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи қуцидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриялар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Республикамиз олий таълим муассасаларида таълим соҳасидаги инновацион фаолиятни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида талқин этилганлиги боис, 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Қонунида ҳам, “Таълим соҳасидаги экспериментал ва инновацион фаолият таълимни модернизация қилиш мақсадида амалга оширилади ҳамда янги таълим технологиялари ва ресурсларини ишлаб чиқишга, уларни синовдан ўтказишга ҳамда таълим жараёнига жорий этишга қаратилган” [2], – деб белгилаб қўйилганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил – инсон омили экани, унда таълимнинг роли катта. Таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини қўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормокда. Таълимнинг ижтимоий масъулияти кўп жиҳатдан ҳар бир инсоннинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва шу йўл билан ўз фаровонлигини ҳамда умуман жамият фаровонлигини таъминлаш имконини берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмалар олишидан иборатdir. Кўпгина мамлакатларда таълимнинг ошиб бораётган ролини ҳисобга олган ҳолда уни ривожлантириш стратегияси миллий стратегия устуворликлари билан белгиланади ва у таълим сифатини ошириш ҳамда уни олиш имкониятини кенгайтиришга йўналтирилгандир.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурӣ шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишига ўргатиш, билим

олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси: Lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони: <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” Фармони: <https://lex.uz>
4. Musakhanova G. Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work // Current research journal of pedagogics. – 2021. – T. 2. – № 09. – C. 110-115.
5. Мусаханова Г.М. Талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги ташкилотчилик қобилияtlарини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи // Образование и инновационные исследования. – М., 2021. – № 6. – С. 275-279.
6. Хакимова М., Азизова М., Садриддинова Д. (2022). Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш – педагогик муаммо сифатида // Архив научных исследований. – Т., 2022. – № 2(1).

BOSHLANG‘ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA

O‘QUVCHILARNING MANTIQIY FIKRLASH QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH

Sh.I.Nasimova, TDPU magistranti

2019-yil 29-aprelda “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash” to‘g‘risidagi PF-5712 [1] muvofiq ta’lim berishning zamonaviy nazariyalarini o‘zlashtirishni, pedagogik psixologiyani